

**Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш соҳасида аукцион
савдоларини ўтказиш
РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу “Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш соҳасида аукцион савдоларини ўтказиш регламенти” (кейинги ўринларда – Регламент) маҳсус электрон савдо тизими орқали қайта тикланувчи энергия манбаларини (кейинги ўринларда – ҚТЭМ) жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун истиқболли инвесторларни камситилмасдан танлашнининг шаффоф тартибини белгилайди.

2. ҚТЭМ соҳасида аукцион савдоларини жорий этиш истиқболли инвесторлар (хорижий ва маҳаллий) учун жозибадор бўлиб, ушбу йўналишдаги инвестиция лойиҳаларни мустақил электр энергиясини ишлаб чиқарувчиси сифатида амалга ошириш хуқуқини бериш бўйича танлов савдоларини ўтказиш ва якуний қарорни қабул қилиш жараёнида инсон аралашуви минималлаштиришга ва коррупция омилларни бартараф этишга қаратилган.

3. Аукцион савдоларида электр энергиясини (кувватни) энг паст тариф бўйича етказиб беришни таклиф қилган аукцион иштирокчиси аукцион ғолиби ҳисобланади. Мазкур меъёр электр энергиясини (кувватни) белгиланган сифат стандартларига мувофиқ ҳолда етказиб бериш талабини бекор қилмайди.

4. 2021 йил 1 январдан бошлаб ушбу Регламентда белгиланган меъёр ва қоидалар ўрнатилган қуввати 1 МВт_{ўзгарувчан} ток ва ундан кўп бўлган саноат қўламидаги ҚТЭМ лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида риоя қилиниши шарт, бундан микро ва кичик гидроэлектрстанцияларни жорий этиш лойиҳалари мустасно.

5. Ушбу Регламентнинг талаб ва қоидалари идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилади.

2-боб. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

6. Ушбу Регламентда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бошланғич нархни пасайтириш бўйича аукцион – салоҳиятли инвесторни (хусусий шерикни) танлашнинг рақобатбардош усули бўлиб, уни ташкил этишда нарх (тариф) ғолибни танлашнинг асосий мезони ҳисобланади.

маҳсус савдо тизими – интернет орқали реал вақт режимида бошланғич нархни пасайтириш бўйича аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур маълумотларни киритиш, саклаш ва таҳлил қилиш имкониятини таъминлайдиган ахборот тизими;

аукцион иштирокчиси – малакали саралаб олиш натижаларига кўра аукцион иштирокчиси мақомини олган талабгор;

бошланғич нарх – тариф сиёсатини тартибга солувчи орган томонидан аукцион савдоларини ўтказиш учун қайта тикланувчи энергия манбалари асосида ишлаб чиқарилган электр энергияси учун белгиланган чекланган (максимал даражада йўл қўйиладиган) тариф.

лот – аукцион савдолари орқали инвесторга лойиҳани амалга ошириш хукуқи бериладиган қайта тикланувчи энергия манбалари обьекти;

демпинг тарифи – савдо сессия мобайнида юқори рақобат туфайли аукцион иштирокчиси томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергияси ишлаб чиқариш харажатларини қоплай олмайдиган ва лойиҳанинг амалга ошмаслик хавфини ортирувчи тариф таклифи;

аукцион ташкилотчиси – қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида маҳсус ваколатли орган томонидан аукцион савдоларини ўтказиш учун белгиланган юридик шахс;

маҳсус савдо тизимидағи техник муаммо – иштирокчилардан бирига аукционда иштирок этишга имкон бермайдиган ёки аукцион ташкилотчиси томонидан аукцион ўтказилишига хизмат кўрсатишнинг техник имкониятини чеклайдиган савдо тизимидағи техник носозликлар.

ҚТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги.

3-боб. Аукцион савдоларини ўтказиш учун тайёргарлик босқичи

7. ҚТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи томонидан тегишли вазирликлар, идоралар ва ихтисослаштирилган ташкилотлар, шунингдек тариф сиёсатини тартибга солувчи орган билан биргаликда аукцион савдоларини эълон қилинишидан олдин қўйидагилар амалга оширилиши зарур:

- аукцион савдоси орқали танлаб олинадиган ҚТЭМ лойиҳаларининг қувватлар катталигини (МВт) аниқлаш ва уларни ягона электр энергетика тизимида хавфсиз интеграциялашувини ҳисобга олган ҳолда лотларга бўлиш;

- ҚТЭМ обьектларини жойлаштириш учун истиқболли жойларни аниқлаш, шу жумладан саноат миқёсидаги фотоэлектрик куёш электр станцияларини жойлаштириш регламенти асосида, ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҚТЭМ обьектларини қуриш учун жойларни захиралаш тўғрисидаги тасдиқни олиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона

электрэнергетика тизимиға улаш регламентини тасдиқлаш түғрисида” 2019 йил 22 июлдаги 610-сон қарори билан тасдиқланган тартибга асосан ҚТЭМ объектларини ягона электр энергетика тизимиға улашнинг мақбул нуқтадарини аниқлаш ва уларни аукцион савдоларини якуни бўйича лойиха шартномаларини имзоланишига қадар захиралаш;

- ҚТЭМ объектларидан электр энергияси харид қилишнинг чекланган (максимал даражада йўл қўйиладиган) тарифларини белгилаш;
- ҚТЭМ объектларини қуриш нормалариға мувофиқ мұхандислик, геодезик, геологик, анемометрик ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш;
- лойиҳаларни атроф ва ижтимоий муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;
- зарур метеорологик, сейсмологик ва бошқа маълумотларни тўплаш;
- республиканинг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда миллий қонунчилик ва илғор халқаро тажриба асосида лойиҳа шартномаларининг (электр энергиясини сотиб олиш, ягона электр энергетика тизимиға уланиш, ҚТЭМ обьектини қуриш учун ер майдонини ижарага олиш, маълумотларни ошкора этмаслик ҳақида) намунавий шаклларини ишлаб чиқиш;
- куйидаги масалалар бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш:
 - электр энергетикаси ва ҚТЭМнинг ҳозирги ҳолати ва уларнинг мақсадли ривожланиш кўрсаткичлари;
 - ҚТЭМ соҳасидаги қонун хужжатлари ва давлат томонидан белгиланган имтиёз ва преференциялар (солик, божхона тўловлари ва бошқалар);
 - электр энергиясини сотиб олувчи харидорнинг молиявий ҳолати ва унинг жорий ва узок муддатли мажбуриятлари бўйича тўлов қобилияти ва ҳ.к..

4-боб. Аукцион савдоларини расман эълон қилиш ва ўтказиш тартиби

8. ҚТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи савдо сессиялари ўтказилишидан камида 180 кун олдин аукцион ташкилотчисига аукцион савдоларини ўтказиш бўйича режани юборади.

9. Аукцион куйидаги тартибда амалга оширилади:

- аукцион ўтказиш түғрисида расмий эълон;
- талабгорлардан иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш;
- талабгорларни малакали саралаб олиш ва аукцион иштирокчилари рўйхатини шакиллантириш;
- аукцион иштирокчиларига савдо сессияга тайёргарлик қўриш учун техник тадқиқот натижалари (геологик, геотехник, топографик, электр энергиясини тақсимлаш схемаси, атроф-муҳит ва ижтимоий таъсирни баҳолаш) ва метеорологик маълумотлар базасига рухсат тақдим этиш;

- савдо сессиясини очиш ва натижаси бўйича ғолиб ва захирадаги ғолибни эълон қилиш;
- лойиха шартномаларини имзолаш.

10. ҚТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи ва аукцион ташкилотчиси ўзларининг веб-сайтларида аукцион савдоларини ўtkазиш бўйича расмий эълон жойлаштиришади.

11. Аукцион савдоларини ўtkазиш бўйича расмий эълон савдо сессиясини ўtkазишдан 100 (юз) кундан кўп бўлмаган муддатдан олдин, ушбу Регламент билан белгиланган тартиб асосида ва унинг 1-иловасидаги шаклга биноан жойлаштирилади.

12. Аукцион савдоларини ўtkазиш бўйича расмий эълон қилиш жараёнида фақат аукцион иштирокчилари учун тақдим этиладиган маълумотларни ва техник тадқиқотлар натижаларини тақдим этиш таъкиқланади.

13. ҚТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи аукцион ташкилотчисига савдо сессияси давомида электр энергияси учун паст тариф нарларини келиб тушишини рағбатлантириш мақсадида бир нечта лотларни (ложиҳаларни) битта савдо сессияда ўtkазишга ваколат бериш хукуқига эга. Лотларни бирлаштириш аукцион савдоларини ўtkазиш бўйича расмий эълон қилишдан олдин амалга оширилиши лозим.

14. Аукцион савдоларини ўtkазиш расмий эълон қилингандан кейин унинг матнига ўзргартириш киритилиши, шунингдек аукционга алоқаси бўлмаган ва иштирокчилар ўртасида рақобатни чекловчи талаблар қўйилиши таъкиқланади.

15. Талабгорлар томонидан аукцион савдоларида қатнашиш учун ариза бериш тўлов талаб этилмайди ва аукцион ташкилотчисининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда ва қоғоз нусҳасини унинг манзилига юбориш орқали амалга оширилади.

16. Талабгорлар қатнашиш учун ариза топшириш жараёнида малакали саралаб олиш талаблари ва ҳужжатлар тўплами бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун аукцион ташкилотчисига мурожаат қилишлари мумкин. Аукцион ташкилотчиси томонидан жавоб талабгорлардан мурожаат келиб тушган пайтдан 5 календарь кунидан кеч бўлмаган муддатда юборилиши керак.

17. Талабгорлардан қатнашиш учун аризалар қабул қилишнинг дастлабки муддати аукцион ўtkазиш бўйича расмий эълон қилинганидан бошлаб 30 кундан 45 кунгача бўлиши керак.

18. Аукционда қатнашиш учун ариза топширган талабгорлар сони 5 тадан кам бўлса, аукцион ташкилотчиси аризаларни қабул қилиш муддатини қўшимча 30 кунга узайтиради.

19. Аризаларни қабул қилиш муддатини узайтирилиши аукцион ташкилотчиси томонидан ва аввалги белгиланган муддат тугаган пайтдан бошлаб 3 кун мобайнисида амалга оширилади

20. Агар муддат узайтирилганидан кейин аукционда катнашиш учун етарлича аризалар келиб тушмаса, ҚТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи томонидан аукцион шартларига тегишли ўзгартириш (қўшимча)лар киритилиб қайта эълон қилинади.

5-боб. Малакали саралаб олиш ва аукцион иштирокчиларининг рўйхатини шакиллантириш

21. Талабгорларнинг хужжатлари тўпламини ушбу Регламентда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун аукцион ташкилотчиси тегишли вазирликлар ва идораларнинг малакали мутахассисларидан комиссия тузади.

Комиссия таркибиغا Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси (“Ўзэнергоинспекция”), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши қурашиб қўмитаси вакиллари киритилиши шарт.

22. Талабгорларни малакали танлаб олиш қўйидаги талаблар асосида амалга оширилади:

- молиявий талаблар:
 - талабгорнинг аудит қилинган йиллик молиявий ҳисботига асосан охирги 3 йил ичидағи умумий даромади ҚТЭМ лойиҳасининг қийматидан ошикроқ бўлиши;
 - талабгорнинг хусусий капитали ва захиралари лойиҳа қийматининг камида 30 (ўттиз) фоизини қоплаши;
 - савдо сессиясида аукцион иштирокчисининг ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ молиявий таъминотини таъминлаши.
- техник талаблар:
 - Ўзбекистоннинг барча соҳага оид стандартларига, норматив-хукуқий хужжатларига ва ҚТЭМ лойиҳаларининг техник талабларига риоя қилиш бўйича кафолат хати;
 - ушбу Регламентнинг 2-иловасига кўрсатилган мезонларга мувофиқ ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш ва эксплуатация қилиш бўйича етарли тажрибага эга бўлиш;
 - ҚТЭМ лойиҳаси учун асосий ускуна ва жиҳозларни етказиб берувчилар рўйхатини (vendor list) тақдим этиш.

23. ҚТЭМ обьектларини қуриш доирасида маънан эскирган ва аввал ишлатилган ҚТЭМ ускуналарини ишлатиш тақиқланади.

24. Савдо сессияси мобайнида аукцион иштирокчилари томонидан лойиҳа шартларини амалга ошириш бўйича молиявий таъминотни тақдим этмаслик ва лойиҳа шартномаларини имзоламаслик хавфини келтириб чиқарувчи демпинг тарифларини тақдим қилинишини истисно этиш мақсадида

талағорлар банк кафолати ва захира аккредитиви шаклида буюртманомаларининг молиявий таъминотини тақдим этишлари шарт.

25. Аукцион иштирокчиларининг буюртманомалари учун молиявий таъминотининг ва аукцион (захирадаги) ғолибининг лойиха шартларини амалга ошириш бўйича молиявий таъминотининг миқдори ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ ҚТЭМ объектларининг ўрнатилган қувватига қараб белгиланади.

26. Молиявий таъминотлар бу аукцион (захирадаги) ғолибининг лойиха шартномаларини имзолаш ва ҚТЭМ лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича ўзига олган мажбуриятларининг бажарилишини кафолатидир. Молиявий таъминотлар чиқарувчи эмитент банкларнинг кредит рейтинги ҚТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади ва аукцион ташкилотчиси томонидан аукцион ўтказиш тўғрисида расмий эълон қилинишида кўрсатилади.

27. Буюртманоманинг молиявий таъминоти чақириб олинмайдиган бўлиши ва амал қилиш муддати аукцион ўтказиш ва ғолиб билан лойиха шартномаларини имзолаш даврини қамраб олиши, ҳамда электр энергиясини ягона харид қилувчиси фойдасига чиқарилиши лозим.

28. Савдо сессияси мобайнида аукцион иштирокчиси фақатгина буюртманомаларнинг молиявий таъминоти тақдим этилган лотлар бўйича буюртманомалар беришга хақли.

29. Малакали саралаш талағорлардан таклифларни қабул қилиб олиш муддати тугагандан сўнг 15 (ўн беш) кун ичida амалга оширилади.

Малакали саралаш вақтида комиссия аъзолари иштирокчилар томонидан топширилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва/ёки пайдо бўлган саволларнинг аниқлаштириш учун талағорлардан тегишли маълумотларни сўраш мақсадга мувофиқдир. Ҳужжатларнинг тўлиқлилик масаласига доир муаммоларини ҳал қилиш ва/ёки сўралган маълумотларни тақдим қилиш учун талағорларга мавжуд алоқа воситалари орқали боғлангандан кейин 5 (беш) кун муддат берилади.

30. Малакали саралаш босқичидан ўтган талағорларга аукцион иштирокчиси унвони берилади ва улардан аукцион ташкилотчиси аукцион иштирокчилари рўйхатини шакиллантиради ва ўзининг расмий веб-саҳифасида эълон қиласи.

31. Агар малакали саралаг натижаси бўйича аукцион иштирокчиларининг сони учтадан кам бўлса аукцион амалга ошмаган деб эълон қилинади ва ҚТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи томонидан аукцион шартларига ўзгартириш (қўшимчалар) киритилгандан сўнг қайта эълон қилинади.

32. Малакали саралаш босқичидан ўта олмаган талағорларга аукцион иштирокчилари рўйхати эълон қилинган санадан 5 (беш) календарь кундан кўп бўлмаган муддатда аукцион ташкилотчиси томонидан малакали саралаш талабларига номувофиқлиги сабаблари кўрсатилган расмий хат юборилади.

6-боб. Рўйхатдан ўтиш тартиби, аукцион иштирокчиларига виртуал базага кириш ва савдо тизимида ўқитиш

33. Аукцион ташкилотчисининг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

- аукционни ўз вақтида ва самарали ўтказиш мақсадида КТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи ва тегишли идоралар билан ҳамкорлик қилиш;
- савдо тизимининг ишлашини ва унга барча аукцион иштирокчиларини камситилмасдан киришини таъминлаш;
- савдо тизимининг ишлашига оид методик кўланмалар ишлаб чиқиш ва аукцион иштирокчиларига ўкув семинарлари ташкил қилиш;
- малакали саралаш комиссиясини шакиллантириш ва шаффофликни малакали саралаш жараёнини таъминлаш;
- ушбу Регламентнинг талабларига мувофиқ ўзининг расмий веб-сайтида барча керакли маълумотларни эълон қилишга;
- хорижий ва маҳаллий инвесторларни ва компанияларини фаол жалб қилиш мақсадида етакчи маҳаллий ва хорижий электрон оммавий ахборот воситаларида КТЭМ соҳасида аукцион ўтказилаётганини кенг ёритиш.

34. Аукцион иштирокчилари рўйхатини эълон қилингандан сўнг 30 кун ичида аукцион иштирокчилари аукцион ташкилотчисининг хизматларига тўловни амалга ошириши лозим.

35. Аукцион ташкилотчисининг хизматларига тўлов миқдори КТЭМ обьектининг ўрнатилган қувватига қараб белгиланади ва ушбу Регламентнинг 2-иловасида кўрсатилган чекланган миқдордан ошмаслиги шарт.

36. Аукцион иштирокчиларига аукцион ташкилотчисининг ҳизматлари учун тўловни амалга ошириб ва аукцион ташкилотчиси билан маҳфийликка риоя қилиш (ахборотни ошкор этмаслик) шартномаси тузгандан кейин, аукцион ташкилотчиси томонидан савдо тизимида рўйхатдан ўтиш ва виртуал маълумотлар базасига кириш учун шахсий калит (парол) берилади.

37. Аукцион иштирокчиси савдо тизимида рўйхатдан ўтиш жараёнида компания ва унинг раҳбари ҳақида асосий маълумотларни, банк реквизитлари, почта ва алоқа маълумотларини киритади.

38. Аукцион иштирокчиси маҳфийликка риоя қилиш (ахборотни ошкор этмаслик) шартномасининг намунавий шаклини имзолайди ва аукцион ташкилотчисининг электрон почта ва почта манзилига юборади. Агар аукцион иштирокчиси аукцион ташкилотчисининг хизматлари учун тўловни амалга оширилган бўлса электрон почта орқали юборилган маҳфийликка риоя қилиш (ахборотни ошкор этмаслик) шартномаси аукцион иштирокчисига виртуал маълумотлар базасига кириш хукуқини бериш учун етарли ҳисобланади.

39. Аукцион иштирокчиларига савдо тизимида кириш учун тақдим этилган шахсий калит (парол)ни учинчи тарафга берилиши тақиқланади.

40. Аукцион ташкилотчиси виртуал маълумотлар базасига ушбу Регламентнинг 6-бандида кўрсатилган барча маълумот ва техник тадқиқотлар натижаларини жойлаштиради.

41. Аукцион иштирокчиларига виртуал маълумотлар базасида аукцион ташкилотчисининг хизматларига тўланган қисми ва буюртманомаларнинг молиявий таъминотини тақдим этган лотларига тегишли маълумотларга кириш имконияти берилади.

42. Аукцион ташкилотчиси савдо сессияси бошланишидан 15 (ўн беш) кун олдин аукцион иштирокчилариға савдо тизимида ишлашни ва савдо сессияси давомида ҳаракатлар кетма-кетлиги ўргатиш учун онлайн ўқув тренингларини бошлайди. Барча аукцион қатнашчилари учун тренинглар савдо сессияси бошланишидан 3 (уч) кун олдин якунланиши лозим.

43. Аукцион иштирокчилари рўйхатини эълон қилинишидан савдо сессияси ўтказишгача бўлган муддат 45 (қирқ беш)дан 60 (олтмиш) календарь кунгача бўлиши лозим.

7-боб. Аукцион ўтказиш тартиби ва ғолибни эълон қилиш

44. Савдо сессиясини бошланишидан 60 дақиқа олдин аукцион ташкилотчиси барча аукцион иштирокчиларининг ўз буюртманомаларини тақдим этиш учун техник имкониятларга эга эканлигини тасдиқлаш мақсадида синов режимида савдо тизимини текшириб кўради.

45. Аукционнинг савдо сессияси реал вақт режимида маҳсус савдо тизимида бошланғич нархни босқичма-босқич пасайтириш (reverse-auction) орқали ўтказилади. Ҳар босқичда нархни энг кам пасайтириш микдори аукцион ташкилотчиси томонидан КТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда белгиланади.

46. Аукционнинг савдо сессияси, буюртманомаларни таҳлил қилиш ва аукцион ғолибларини аниқлаш автоматик равища савдо тизими томонидан амалга оширилади.

47. Савдо сессиясининг асосий вақтининг давомийлиги 45 (қирқ беш) дақиқани ташкил этади ва шундан сўнг қўшимча 5 (беш) дақиқа берилади. Агар ҳар бир қўшимча муддат давомида янги буюртманома келиб тушса, у келиб тушган пайтдан бошлаб яна қўшимча 5 (беш) дақиқа тақдим этилади. Шу билан бирга, техник носозликлар туфайли тўхтаб туриш вақтини ҳисобга олмаганда, савдо сессиясининг умумий давомийлиги 180 (бир юз саксон) дақиқадан ошмаслиги шарт.

48. Савдо сессияси мобайнида аукцион иштирокчилари чексиз микдорда буюртманомаларни тақдим этишлари мумкин ва улар миллисекундларгача қайд этилади.

Тақдим этилган буюртманомалар савдо тизими томонидан автоматик равища кетма-кетлик тартибида рақамланади ва уларни савдо тизимида бекор қилиш ва ўчирилишига йўл қўйилмайди. Тақдим этилган буюртманомани ўзгартириш янги буюртманома таклиф этиш орқали амалга оширилади.

49. Савдо сессияси давомида тақдим этиладиган буюртманомалар бошланғич нархдан юқори бўлмаслиги ва аввалги буюртманоманинг нарх даражасига мос келмаслиги керак.

50. Савдо сессияси давомида савдо тизими аукцион иштирокчилари томонидан берилган буюртманомалар орасидан энг паст нарх кўрсатилган тақлифни автоматик равишда танлаб олади ва бу нарх маҳсус савдо тизимида барча иштирокчиларга акс эттирилади.

51. Аукцион якунланиб ғолиб аникланмагунча аукцион иштирокчиларининг номлари ва алоқа маълумотлари маҳсус савдо тизимида кўрсатилмайди.

52. Аукцион тугайдиган вақт келганда маҳсус савдо тизими савдо сессияси давомида берилган буюртманомалар орасидан 2 (икки)та энг паст нарх тақлифини автоматик равишда аниклаб олади.

Энг паст нарх кўрсатилган тақлифни берган аукцион иштирокчиси ғолиб сифатида, иккинчи паст нарх тақлиф қилган иштирокчи эса захирадаги ғолиб сифатида савдо тизими томонидан саралаб олинади. Ғолиб ва захирадаги ғолибнинг номи, алоқа маълумотлари ва тарифи маҳсус савдо тизимида кўрсатилади.

53. Аукцион ташкилотчиси савдо сессияси якунланганидан кейин бир соат мобайнида ўзининг расмий веб-сайтида барча аукцион иштирокчилари томонидан тақлиф этилган энг паст нарх тақлифларини ўсиш тартибида рўйхатини илова қилган ҳолда аукцион натижалари бўйича ахборот (пресс-релиз) эълон қиласи.

54. Аукцион ғолиби аукцион натижаларидан кейин 15 (ўн беш) календарь кунидан кечиктирмасдан ёки электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги шартномани имзолашдан олдин, иккисидан қайси бири олдин содир бўлишига қараб, шартнома шартларини бажариш учун молиявий таъминотни тақдим этиши шарт.

55. Агар аукцион ғолиби 15 (ўн беш) календарь кун ичida электр энергияни сотиб олиш тўғрисидаги шартнома шартларини бажариш учун молиявий таъминотни тақдим этмаса, лойиҳани амалга ошириш хуқуки захирадаги ғолибга ўтади ва унга аукцион ташкилотчиси томонидан 1 (бир) иш куни мобайнида тегишли маълумот юборилади.

Захирадаги ғолибга электр энергияни сотиб олиш тўғрисидаги шартнома шартларини бажариш учун молиявий таъминотни тақдим этиши учун 15 (ўн беш) календарь кун мухлат берилади.

56. Агар захирадаги ғолиб томонидан шартнома шартларини бажарилишини рад этса ёки молиявий таъминот тақдим этмаса аукцион амалга ошмаган деб топилади ва КТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган бошқа муддатга қолдирилади.

57. Аукцион ғолиби ёки захирадаги ғолиб томонидан ўз муддатида шартнома шартларини бажариш учун молиявий таъминотни тақдим этилмаган тақдирда бу уларни лойиҳа шартномаларини имзолашга доир мажбуриятларидан бўйин товлаш деб хисобланади ва аукцион ташкилотчиси электр энергиясини

электр энергиясини ягона харид қилувчиси билан биргаликда буюртманоларнинг молиявий таъминотини кофалатлаган эмитент-банкларга таъминотда кўрсатилган миқдорни электр энергиясини ягона харид қилувчисининг фойдасига тўлаб бериш талаби бўйича расмий хат юборади.

Аукцион ташкилотчисининг электр энергиясини ягона харид қилувчиси билан биргаликда юборган талаб хати буюртманоларнинг молиявий таъминотини чиқарган эмитент-банкларга таъминотда кўрсатилган миқдорни тўлаб бериш учун етарли асос ҳисобланиши шарт.

58. Аукцион ташкилотчиси электр энергиясини ягона харид қилувчиси билан биргаликда аукцион якунланганидан кейин 3 (уч) иш кунидан кечиктиримай, аукцион иштирокчиларининг тегишли банкларига, аукцион ғолиби ва захирадаги ғолибидан ташқари, аукцион иштирокчиларини буюртманоларининг молиявий таъминоти бўйича қабул қилинган мажбуриятларидан озод қилиш тўғрисида расмий хат юборади.

59. Савдо тизимида техник носозлик юз берган тақдирда савдо сессияси 60 дақиқага тўхтатиб турилиши мумкин.

Агар савдо сессияси мобайнида аукцион иштирокчиларидан бири қатнашиш имкониятини йўқотса бу ҳақида дарҳол аукцион ташкилотчисини хабардор этади, у эса савдо сессияни тўхтатади ва савдо сессиянининг фаол ойнаси орқали қолган аукцион иштирокчиларига тўхталиш сабаблари ва давомийлиги тўғрисида маълумот беради.

Агар савдо тизимида носозликлар туфайли савдо сессиясини нормал ўтказишни техник имкоянигини истисно қиласиган вазият юзага келса, аукцион ташкилотчиси мавжуд алоқа воситалари орқали барча аукцион иштирокчиларига тўхталиш сабаблари ва давомийлиги тўғрисида маълумот беради.

60. Агар 60 дақиқада савдо тизимининг техник носозлиги сабабларини бартараф этишнинг иложи бўлмаса савдо сессияси бошқа кунга қолдирилади, лекин савдо сессиясининг бошланғич санасидан 7 кундан ошмаслиги шарт.

8-боб. Якуний хулосалар

61. Лойиха хужжатлари тегишли тарафлар томонидан аукцион натижалари эълон қилингандан кейин 30 календарь кун давомида имзоланиши лозим.

62. Ушбу Регламентнинг 1-иловаси 19 бандида келтирилган шартномаларнинг намунавий шаклларига аукцион ғолиби ёки захирадаги ғолиб билан лойиха шартномаларини имзолаш жараёнида ўзгартириш киритиш таъқиқланади.

63. Ушбу Регламентнинг 7-бандида келтирилган чора-тадбирлар ижроси бўйича харажатлар лойиха харажатларига қўшилган бўлиши ва аукцион ғолиби ёки захирадаги ғолиб томонидан қопланиши шарт. Ушбу талаб аукцион ўтказилиши тўғрисидаги расмий эълон қилинган пайтда талабгорларга етказилиши лозим.

64. Аукцион ташкилотчиси 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида малакали саралаш ҳужжатлари ва савдо сессияси давомидаги барча маълумотларнинг сақланишини таъминлайди.

65. Аукцион ўтказиш жараёнида юзага келган низолар тинч йўл билан ҳал этилади акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси суд органлари орқали ўрнатилган тартибда ҳал этилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини
жорий этиш соҳасида аукцион савдоларини
ўтказиш Регламентига
1 - илова

Аукцион савдоларини эълон қилиш шакли

- 1 Аукцион эълон қилинишининг расмий санаси
- 2 ҚТЭМ объектиning тури ва ўрнатилган қуввати
- 3 Объектнинг жойлашуви (координаталари)
- 4 Талабгорлардан иштирок учун ариза қабул қилиш муддати
- 5 Малакали саралаш муддати
- 6 Аукцион иштирокчиларига виртуал маълумотлар базасига киришга руҳсат этиладиган муддат
- 7 Аукцион иштирокчиларини савдо тизимиға ўқитиш муддати
- 8 Савдо сессиясини ўтказиш санаси ва вақти
- 9 Аукционнинг бошланғич нархи, USD/MBt.соат
- 10 Буюртманомаларни молиявий таъминоти миқдори, USD/MBt
- 11 Аукцион ғолибининг(захирадаги ғолибнинг) шартнома шартларини бажариш учун молиявий таъминотининг миқдори, USD/MBt
- 12 Аукцион ташкилотчисининг хизматлари учун тўлов миқдори, USD/MBt
- 13 Электр энергиясини кафолатланган сотиб олиш муддати
- 14 Аукцион ғолибининг(захирадаги ғолибнинг) шартнома шартларини бажариш учун молиявий таъминотни тақдим этиш муддати
- 15 Электр энергиясини сотиб олиш шартномасини имзолаш муддати
- 16 Аукцион ғолиби (захирадаги ғолиб) томонидан лойиҳани молиялаштириш бўйича келишувлар имзолаш муддати
- 17 ҚТЭМ объектини куриш муддати
- 18 ҚТЭМ объектини тижорий ишга тушириш муддати
- 19 Шарномаларнинг намунавий шакллари:
 ҚТЭМ объектидан электр энергиясини сотиб олиш ҳақида
 ҚТЭМ объектини ягона электр энергетика тизимиға улаш ҳақида
 ҚТЭМ объектини куриш учун ер майдонини ижарага олиш ҳақида
 Махфийликка риоя этиш (маълумотларни ошкора этмаслик) ҳақида
- 20 Виртуал маълумотлар базаси таркиби ҳақида маълумотнома *

* Виртуал маълумотлар базаси таркиби ҳақида маълумотномада аукцион иштирокчилари учун керак бўлган техник тадқиқотлар, мавжуд метеорологик, сейсмологик ва бошқа маълумотлар ҳақида қисқача ахборот берилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини
жорий этиши соҳасида аукцион савдоларини
 ўтказиш Регламентига
 2 – илова

Техник ва молиявий малакали саралаш мезонларининг кўрсаткичлари

Т/р	КТЭМ объектининг ўрнатилган куввати (ўзгарувлечан ток)	Айни турдаги электр станциясини куриш тажрибаси	Айни турдаги электр станциясини охирги 3 йил ичida камидা 1 йил мобайнида ишлатиш тажрибаси		Буюргманома учун	Молиявий таъминотлар миқдори, минг АҚШ долл. /МВт	Аукцион ташилотчисининг хизматлари учун тўлов миқдори, АҚШ долл. /МВт *
			Буюргманома учун	Шартнома шартларини бажариш учун			
1	1 дан 20 МВт гача	Ўрнатилган куввати 5 МВт дан кўпроқ бўлган 2 электр станцияси	Ўрнатилган куввати 5 МВт ва ундан кўпроқ бўлган 1 электр станцияси	12	36	50 гача	
2	20 дан 100 МВт гача	Ўрнатилган куввати 20 МВт дан кўпроқ бўлган 2 электр станцияси	Ўрнатилган куввати 20 МВт ва ундан кўпроқ бўлган 1 электр станцияси	11	33	40 гача	
3	100 МВт ва ундан юкори	Ўрнатилган куввати 50 МВт дан кўпроқ бўлган 1 электр станцияси	Ўрнатилган куввати 50 МВт ва ундан кўпроқ бўлган 1 электр станцияси	10	30	30 гача	

* Тўловлар миллий валюта (сўн)да ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича амалга оширилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини
жорий этиш соҳасида аукцион савдоларини
ўтказиш Регламентига
3 – илова

Аукцион савдоларини ўтказиш схемаси

Боскич	Ижрочи	Тадбир	Ижро муддати
I	Энергетика вазирлиги	Аукцион ташкилотчисига аукцион ўтказиш режасини юбориш	Савдо сессиясидан камида 180 кун олдин
II	Аукцион ташкилотчиси	Аукцион ўтказиш ҳақида расмий эълон қилиш	Савдо сессиясидан камида 100 кун олдин
III	Талабгорлар	Иштирок этиш учун ариза юбориш	Аукцион ўтказиш бўйича расмий эълондан кейин 30 – 45 кун ичida
IV	Аукцион ташкилотчиси	Малакали саралаш комиссиясини шакллантириш	Аукцион ўтказиш бўйича расмий эълондан кейин 30 кун ичida
V	Аукцион ташкилотчиси Малакали саралаш комиссияси	Малакали саралаш ва аукцион иштирокчилари рўйҳатини шакллантириш	Иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин 15 кун ичida
VI	Аукцион ташкилотчиси Аукцион иштирокчиси	Аукцион иштирокчиларини савдо тизими ишлатиш бўйича онлайн ўқитиш	Савдо сессияси бошланишидан 15 кун олдин
VII	Аукцион ташкилотчиси Аукцион иштирокчиси	Савдо сессиясини ўтказиш ва ғолибларни эълон қилиш	Аукцион иштирокчилари рўйҳати эълон қилинганидан 45 – 60 кун ичida
VIII	Аукцион ғолиби (захирадаги ғолиб), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, тегишли вазирлик ва идоралар	Лойиҳа шартномаларини имзолаш	Савдо сессиясидан кейин 30 календар кун ичida